



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 30 октябрь, № 224 (7454) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 июлда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий принциплари**

Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий принциплари: илмий ижод ва ахборот эркинлиги; самарадорлик ва ижодий рақобат; манфаатдорлик ва рағбатлантириш; илмий экспертизанинг ҳолислиги; инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар etkazмасликдан иборатдир.

**4-модда. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишлари**

Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишлари: илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш орқали миллий иқтисодий рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш; илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва ресурсларни мақсадли йўналтириш; давлат илмий дастурларини ишлаб чиқиш, асослантирилган ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш; илм-фан ва илмий фаолият соҳасида давлат-хусусий шериклини қўллаб-қувватлаш; илм-фанга интилиш ва унинг жозибадорлик муҳитини шакллантириш, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, ёш истеъдод эгаларини тайёрлаб бориш; интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш; илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштиришни оқилона ошириб бориш; илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш ҳамда ундан манфаатдорлиқни ошириш; илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг ахборот макони билан узвий боғлиқлигини таъминлаш; илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборатдир.

**2-боб. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасини тартибга солиш**

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: илм-фан ва илмий фаолият соҳаси асосий йўналишларининг амалга оширилишини таъминлайди; илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тасдиқлайди; илм-фан ва илмий фаолият соҳаси инфратузилмасининг шакллантирилиши ҳамда унинг самарали фаолият юритишини таъминлайди; давлат илмий дастурларини амалга оширишда мақсадли курсаткичларга эришишни баҳолаш тартибини тасдиқлайди; илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди; илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш тартиби ҳамда давлат иштирокидаги жамғармаларни ташкил этиш тартибини белгилайди; илмий фаолият юритувчи жисмоний шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва рағбатлантиришни таъминлайди; илмий даражалар ва илмий унвонларни бериш тартибини белгилайди; ахборот маконидан илм-фан ва технологиялар асослари, ютуқларини оммалаштириш, шунингдек илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тегишли тадбирларни тарғиб этиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).  
Ваколатли давлат органи: илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишларини амалга оширади; илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантиради; илм-фан ва илмий фаолият соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, илмий ташкилотлар, олий таълим, ахборот-таҳлил муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради; илмий фаолиятга оид давлат дастурлари, илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ва уларнинг ижросини назорат қилади, илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар ишлаб чиқишлигини мувофиқлаштиради; илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳалар танловини ўтказиши ва уларни молиялаштиради; илмий лойиҳалар бўйича давлат буюртмаларини шакллантиради, давлат рўйхатини юритади, бажарилишини мониторинг қилади ва улар юзасидан ҳисоботлар қабул қилади; Ноёб илмий объектлар рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлайди; ўзаро манфаатли халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолият соҳасига чет эл инвестицияларини жалб қилишга кўмаклашади; илмий даражали кадрларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштиради.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЕГБИ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, спортнинг ҳар хил турларини, шу жумладан, регбининг янада оммалаштириш, спорт билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар ва инфратузилма яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда регби республикаимизда жадал ривожланаётган спорт турларидан биридир. Ўзбекистон регби федерацияси ва унинг ҳудудий бўлиналари ташкил этилди ҳамда фаолият кўрсатмоқда, регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси нуфузли халқаро мусобақаларда ("Asian Olympic Pre-Qualifier", "Asian 7's") фаол иштирок этиб, шарафли ўринларни эгаллаб келмоқда, ушбу жамоа Осиё минтақасидаги давлатлар орасида кучли саккизликка қаради.

Шу билан бирга, моддий-техник база ва инфратузилманинг етарли эмаслиги, регби бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг уйғун тизими яратилмаганилиги соҳанинг янада ривожланишига ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Регбининг янада ривожлантириш, уни республика

аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш, юқори сифатли ўқув-масқ жараёнини таъминлаш, регбичилар, тренерлар ва ҳакамларнинг маҳорат даражаси ва малакасини доимий ошириб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, регбичи-спортчиларни тайёрлаш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон регби федерациясининг қуйдаги тақлифлари маъқуллансин:

а) ҳар бир ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида регби бўлиmlарини очиш;

б) болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ишга қабул қилинаётган регби бўйича мураббийлар номзодларини Ўзбекистон регби федерацияси билан мажбурий келишиш тартибини жорий қилиш;

в) қуйдагиларни назарда тутувчи регби бўйича спорт мусобақаларини ўтказишнинг тўрт босқичли тизимини жорий этиш:

биринчи босқичда — спорт клублари, секциялари жамоалари ўртасидаги спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

иккинчи босқичда — спорт клублари, секциялари

ўртасидаги мусобақаларда голиб чиққан жамоалар ўртасида туман (шаҳар) спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

учинчи босқичда — туман (шаҳар) спорт мусобақаларида голиб чиққан жамоалар ўртасида ҳудудий спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

тўртинчи босқичда — ҳудудий спорт мусобақаларида голиб чиққан жамоалар ўртасида республика спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок).

2. 2019 — 2022 йилларда республикада регбининг янада комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Чора-тадбирлар дастурининг амалга ошириш доирасида қуйдаги устувор йўналишлар ва вазифалар белгилансин:

иқтисодий спортчи ёшларни танлаб олиш (селекция ишлари) фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва регби бўйича ўқув-масқ жараёнини сифатли ташкил этиш;

регбининг оммалаштириш, ёшларни спорт клублари, секциялар ва тўғарақларга фаол жалб қилиш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

(Давоми 3-бетда).

## Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади

### МИЛЛИЙ ЭТАЛОНЛАРНИ ХАЛҚАРО ЭТАЛОНЛАР БИЛАН СОЛИШТИРИБ БОРИШ МАЖБУРИЙЛИГИ ЎРНАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2019 йил 29 октябрда бўлиб ўтган мажлисида депутатлар қўллаб-қувватлаб масалалар қатори "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ҳам атрофлига муҳокама қилдилар.

Шу йил 22 июлда депутатлар томонидан биринчи ўқида концептуал жиҳатдан маъқулланган мазкур лойиҳа айтин соҳадаги қонун ҳужжатларини метрология соҳасидаги халқаро ҳужжатлар талаб-ларига мувофиқлаштириб, уйғунлаштиришга қаратилган. Шу билан бирга, лойиҳа мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) хавфсизлигини таъминлаш, сифатини ва рақобатдошлигини ошириш, шунингдек, ички бозорни хавфли товарлардан химоялаш, сиров, калибшлаш, қиёслаш лабораторияларининг техник омилиқлигини ошириш, фаолият натижаларининг халқаро даражада эътибор этилишини таъминлаш мақса-

дида ишлаб чиқилган. Амалдаги Қонун 1993 йил қабул қилинган бўлиб, унда 16 та ҳаволаки норма мавжуд. Бугунги кунда бу ҳужжат халқаро талабларга мос келмаслиги туфайли миллий аккредитация тизимининг халқаро даражада тан олиншига имкон бермаётгани ҳамда санот-аҳнинг барча тармоғида юқори аниқликка эришиш йўлида тўсиқ бўлаётди.

Муҳокама жараёнида шу масалалар айтин нукта назардан қайта кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан миллий эталонларни тизимли равишда халқаро эталонлар билан солиштириб бориш мажбурийлиги ўрнатилмоқда.

### Рейтингда Ўзбекистон нега 165-ўринда экани ойдинлашди

Муҳокама жараёнида "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам кирилди.

У Президентимизнинг "Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Бу қарор билан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ветеринария руҳсатномалари, фитосанитария ва ветеринария сертификатларини расмийлаштириш учун экспорт қилишдан 30 кун олдин ариза билан мурожаат этиш тартиби бекор қилинди.

Қайд этилганидек, халқаро тажрибани ўрганиш натижалари илгор хорижий мамлакатларда тадбиркорлик субъектларига экспорт қилишдан олдин фитосанитария сертификати олиш учун мурожаат қилишнинг аниқ муддатини белгилловчи ягона норма мавжуд эмаслигини кўрсатди. Хорижий давлатлар қонунчилигида фитосанитария сертификати бериш муддати ўртача беш кунни ташкил этади.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган мажлисда халқ вакиллари экспорт-импортни амалга оширишда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ортқи харажат ва қўл вақт сарфлашига сабаб бўлаётгани туфайли ҳам мамлакатимиз "Doing business" рейтингининг "Халқаро савдо" кўрсаткичида 165-ўринда қолаётганини билдирдилар.



Андижон вилояти:

## ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ ОДАМЛАР КАЙФИЯТИДА АКС ЭТМОҚДА

Президентимизнинг Андижон вилоятига амалга оширган ташрифлари ҳудудда олиб борилаётган ишларга жадаллик бағишлади, десак айтин ҳақиқатни айтган бўламиз. Буни биргина 2018 йилда вилоятда эришилган макроиктисодий кўрсаткичлар ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 112,1, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 155,8, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 164,8, капитал қўйилмалар ҳажми 119,1 фоизни ташкил этди. Айтин пайтга келиб вилоятда тайёрланаётган маҳсулотлар 15 та давлатга экспорт қилинмоқда. Айтинқса, Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Исроилда ҳудуд маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.



### Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари



4-саҳифага қаранг.





Анджон вилояти:

# ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ ОДАМЛАР КАЙФИЯТИДА АКС ЭТМОҚДА

Эришилаётган иқтисодий ютуқлар туфайли Анджон аҳолининг ижтимоий аҳоли янада яхшиланмоқда. Жумладан, сув таъминоти ва йўл қурилиши борасидаги ишлар кўлами қарийб 10 баробарга ортди. Буларнинг барчаси юртимиздаги ислохотларнинг ҳаётбахш самараларига мисол бўла олади.

## Йигирма йилдан сўнг...

Президентимиз Анджон шаҳридаги Мустиқлик кўчасида яшовчи аҳолининг турмуш шaroити билан танишар экан, бу ерда инсон яшashi мумкин бўлган бирорта сабабни топа олмади. Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, уларга шароит яратиш борасида берган кўрсатмаларига асосан, Хўжабод туманининг Анджон шаҳри билан туташ қисмида 54 гектар ер майдони ажратилиб, тез суръатларда бошлаб юборилган қурилиш ишлари учун 200 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Қарабаски, эски маҳалла бўлиб, аҳоли "Мустиқликнинг 27 йиллиги" номи билан қад ростлаган янги тураржой манзилга кўчиб ўтди. Бу ерда замонавий шароитларга эга бўлган 2 сотишли намунали уйлар барпо этилиб, шаҳарнинг энг кўркам худудига айлантирилди. Ҳозирги кунда

шаҳарчада 1000 та уйдан ташқари 2 та мактаб, 2 та мактабгача таълим муассасаси, 1 оилавий поликлиника, 1 маданият маркази, 500 ўринли тикувчилик корхонаси, МФЙ идораси ва Хотира майдони бунёд этилди. Бундан ташқари, савдо шохобчалари, хизмат кўрсатиш объекти фаолият юритяпти. Сўнгги 20 йил мобайнида вилоятда давлат томонидан бирорта ҳам уй барпо этилмаганлигини ҳисобга олсак, бу мисли кўрилмаган бунёдкорлик намунаси бўлди, дейиш мумкин.

## Сўлим ва мафтункор шаҳар

Мамлакатимизнинг энг чекка худуди — Хонобод шаҳри маълум вақт "ёпиқ манзил" эди. Бир пайтлар "Ўзбекистон Швейцарияси" номи билан машҳур бўлган мазкур шаҳарнинг файзи йўқолгандек эди гўё. 2017 йил 2 июнь кун Хонободда бўлган Президентимиз ушбу масканинг аввалги мақодини тиклаш билан бир қаторда, уни сайёҳлик марказига айлантириш, худуд иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш бўйича қатор кўрсатмалар берганди. Шундан кейин гўё мураб ётган шаҳарга қайта "жон" кирди.

Дастлаб узок йиллар давомиди

қурилиши тўхтаб қолган "Хонобод" сыхатгоҳида бунёдкорлик ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Денгиз сатҳидан 850 метр баландликда жойлашган бу масканда 97 млрд. сўмлик маблағ эвазига кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Сыхатгоҳдаги замонавий спорт майдонлари, сув ҳавзалари, Wi-Fi, болалар майдончалари дам олувчилар хизматида. Маскан бир пайтнинг ўзида 200 нафар кишини қабул қилиш имконига эга. Муассасанинг ишга туширилиши натижасида 130 нафар хонободликнинг бандлиги таъминланди.

Хонобод шаҳрини сайёҳлик марказига айлантириш борасидаги сайёҳ-харакатлар ҳам тобора жадаллашмоқда. Хусусан, Хонтоғ адирикларидида 1000 та дала-ховли қуриш ишлари бошлаб юборилди. Худудга олиб борувчи йўлларни асфальтлаш, электр энергияси ва ичимлик суви қувурини тортиш юмушлари бажарилляпти. Шу билан бирга, энг замонавий шароитларга эга дала-ховлилар қурилиши давом этмоқда. Келгусида бу ерда ёзги ва киши спорт майдонлари, сузиш ҳавзалари, миллий чойхоналар ва замонавий рестороанлар фойдаланишга топширилади. Қисқача айтганда, кўнгили ҳордиқ чикириш учун неки зарур бўлса, буларнинг барчаси муҳайё этилади.

2017 — 2019 йилларда худудни комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурга биноан, биргина Хонобод шаҳрида 3 200 дан зиёд лойиҳалар рўёби учун 500 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бунинг натижасида кўплаб корхоналар ташкил этилиб, одамлар иш билан таъминланди. Жумладан, Анхор маҳалласи худудидидаги собиқ 4-авторхона бинолари ва ер майдони тадбиркорларга "ноль" харид қийматида берилди. Шунингдек, ташкилий ва молиявий жиҳатдан кўплаб-қувватланди. Натижада 13 та корхона фаолият йўлга қўйилиб, уларда жами 685 киши меҳнат қилмоқда.

"Хоп tech city" масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхона-



лардан бири. Бу ерда 300 дан ортиқ моделдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхонанинг 300 дан зиёд ишчилари томонидан тайёрланаётган маҳсулотнинг 500 минг долларлик қисми экспорт қилиниши режалаштирилган.

## Изчил ва ишончли қадам

Давлатимиз раҳбарининг Анджон вилоятига қилган ҳар бир ташрифи ўзига хос бурилиш даврини бошлаб бермоқда. Бунинг натижасида дастлаб Анджон вилояти аҳолисини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида "Хар бир оила — тадбиркор" дастури ишлаб чиқилган бўлса, шу йилнинг 14 январь кун "Анджон-фарм" эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш юзасидан Президент Фармони эълон қилинди. 19-20 октябрь кунлари бўлиб ўтган "Ореп Анджон" I-халқаро инвестиция форуми бу борадаги қадамларнинг энг муҳимларидан бири бўлди. Халқаро форум доирасида қатнашчилар машинасозлик тармоғидида маҳаллийлаштиришга қаратилган 17 та инвестиция лойиҳаси, қишлоқ хўжалиғида 5 та, фармацевтика соҳасида 4 та, энгил санаят йўналишида 6 та лойиҳа ҳамда мева-саб-

завот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича қатор лойиҳалар билан танишдилар.

Хиндистоннинг "Cadilla Pharmaceuticals Limited" компанияси билан 2019 — 2022 йилларда 50 миллион АҚШ долларини миқдоридидаги инвестиция қиритиш ҳисобига фармацевтика жиҳозлари, дори-дармонлар ишлаб чиқариш лойиҳасини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича шартнома имзоланди. Шу кун Анджон вилояти ҳокими Шўҳрат Абдурахмонов ва Хиндистоннинг Гужарат штати бош вазири Вижай Рупани иштирокидида "Cadilla Pharmaceuticals Limited" компаниясининг дори ишлаб чиқариш заводида тамал тоши қўйилди.

Умуман айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар Анджон вилоятида ҳам янги даврни бошлаб берди. Тараққиёт манзили сари дадил одимлаётган худуд аҳолисининг келгусидаги режалари бундан-да юксак. Аниқ мақсад йўлидаги изчил сайёҳ-харакатлар андижонликларни ана шу эзгу орзулар рўёби сари тобора яқинлаштирмоқда.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Хурсандбек АРАББОВЕВ олган суратлар.

# «InnoWeek — 2019»: ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР БИЛАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэксспомарказ" мажмуасида "InnoWeek — 2019" инновацион ғоялар ҳафталиги бошланди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, тадбир маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқот марказлари, инвестиция фондлари, технология агентликлари, технопарклар ҳамда бизнес-инкубаторлар учун нобўй платформа бўлиши кутилмоқда.



Форумда барча соҳаларда энг инновацион маҳсулотлар, лойиҳалар ҳамда бизнес учун моделлар намойиш қилинмоқда.

Тадбирга 30 дан ортиқ мамлакатлар вакиллари, нуфузли халқаро ташкилотлар ва компаниялар, Австрия, Буюк Британия, Нидерландия, Италия, Исроил, Россия, Туркия, Эстония, Эрон, Қозоғистон ва АҚШдан илм-

мавузида семинарлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, инновацион маҳсулотлар кўргазмаси, робототехника бўйича халқаро чемпионат — IRC, Осие — Тинч океани технологияларини узатиш марказининг тақдимоти ҳамда "Инновацион ғоялар тақдими" кўрак нишони тақдими, "Future Foresight" каби қатор ўқув семинарларини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Ҳафталик давомида доир муҳим қайдлар:

2018 йилда инновацион ғоялар ҳафталиғида республикамизнинг худудларидан ҳамда



фан ва инновациялар соҳасидаги етакчи мутахассислар ташриф буюрган. Ҳафталикнинг асосий мақсадларидан бири, бу — инсон капиталини мамлакат рақобатбардошлиғи ва халқаро майдонда инновацион тараққиётнинг асосий омил сифатида ривожлантиришдан иборат.

Биринчи кунда Инновация ва инвестиция форумига старт берилди. Унинг доирасида Глобал инновациялар индексида Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичларини яхшилашга доир тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича давра суҳбати, қишлоқ хўжалиғида қўлла-ниладиган инновацион ечимлар сунъий интеллект — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида амалга ошириш ва ривожланиш истиқболлари ҳамда нефть-газ соҳасидаги инновацион фаолият

20 дан ортиқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган олимлар, ишбилармонлар, йирик компаниялар вакиллари сони 5278 нафарни ташкил этган.

Бошланган навбатдаги ҳафталикда 30 дан ортиқ хорижий давлатлар вакиллари ва республикамиздан жами 6000 дан зиёд иштирокчилар қатнашиши кутилмоқда.

Кўргазмада 17 та хорижий ва 29 та маҳаллий корхона ҳамда ташкилотлар иштирок этмоқда.

Жорий йилдаги ҳафталик доирасида ташкил этилаётган халқаро инновацион-инвестицион форумда 35 дан ортиқ хорижий ва 20 дан зиёд маҳаллий спикерлар қатнашапти.

«Халқ сўзи».

Динора ЧИРКОВА олган суратлар.

# БОЛАЛАР САРАТОНИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

АҚШ ГОСПИТАЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА УЮШТИРИЛГАН СЕМИНАРДА ШУ ХУСУСДА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛЯПТИ.

Пойтахтимиздаги "Wyndham Tashkent" меҳмонхонасида болалар саратонини самарали даволаш масалаларига бағишланган уч кунлик семинар иш бошлади. Долзарб мавзуга бағишланган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АҚШдаги нуфузли "St. Jude Children's Research Hospital" илмий-тадқиқот тиббиёт муассасаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий офиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

## Тиббиёт

Семинардан кўзланган асосий мақсад болалар саратонини даволашнинг замонавий тенденцияларини муҳокама қилиш, Ўзбекистон шароитида ушбу соҳада тиббиётнинг янги услубларини кўриб чиқиш ва татиқ этиш, хорижнинг етакчи муассасалари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, маҳаллий онколог ва гематологлар малакасини оширишдан иборат.

Мазкур анжуман мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси вакилларининг 2018 йил бошида Теннесси штати Мемфис шаҳрига ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида уюштирилди. Айна шу шаҳарда юқорида номи қайд этилган клиника жойлашган.

Ушанда томонлар ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилишган эди. Хусусан, болаларда саратонга қарши курашиш бўйича миллий режани ишлаб чиқиш, даволашнинг асосий тамойиллари ҳамда Ўзбекистондаги ҳар бир болага



сифатли ёрдам бериш имкониятларини кенгайтириш мақсадида бу борадаги салоҳиятни кучайтириш, таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган. Маълумот ўрнида келтириш жоиз, 1962 йилда асос солинган "St. Jude" бугунги кунда болалар ўртасида онкологик касалликларнинг турли кўринишларини даволашга ихтисослаштирилган дунёдаги энг йирик педиатрия даволаш-тадқиқот даргоҳларидан биридир. У ташкил топгандан буён саратондан азият чекаётган болаларнинг яшаб қолиш кўрсаткичини 20 фоиздан

мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси кўмаги туфайли юзага келгани эътиборга лойиқ.

Тошкентдаги анжуманда Ўзбекистон, Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Молдова, Россия, АҚШ, Тожикистон, Туркменистон, Украина, Швейцариядан ушбу соҳада фаолият юритувчи етакчи эксперт ҳамда соғлиқни сақлаш идоралари вакиллари қатнашмоқда.

Семинар дастурида хорижлик экспертларнинг маҳаллий мутахассислар билан учрашуви, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва МДХ давлатлари соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари иштирокида юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва назорати бўйича йиғилишни ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

ЖСТ ва "St. Jude" клиникаси таълим сессиялари орқали Ўзбекистон ҳамда минтақа кесимидаги онкологик ва гематологик касалликларга қарши болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ЖСТ, "St. Jude" ва Евроосиё мамлакатлари иштирокида халқаро кўша лойиҳаларни ишлаб чиқиш тадбирининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Санджон МАХСУМОВ («Халқ сўзи»).

## Туризм

Малайзиянинг Умумжаҳон Сўфийлар ташкилоти ташаббуси билан 31 октябрь — 7 ноябрь кунлари мамлакатимизда "Naqshbandi Tourism Festival — 2019" халқаро тадбири ўтказилади.

## ЮРТИМИЗ ЯНА БИР НУFUZЛИ ФЕСТИВАЛЬ МЕЗБОНИ

Ушбу фестивал "Hial Travel" сайёҳлик ташкилоти ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси кўмағида ташкил этилмоқда. Халқаро анжуманга ўн саккизта давлатдан 200 га яқин меҳмонлар ташриф буюриши кутиляпти. Уларнинг орасида жаҳонга машҳур олимлар, фан ва жамоат арбоблари, сайёҳлик ташкилотлари вакиллари бор.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда дунё ҳамжамияти-

нинг Ўзбекистондаги зиёрат туризми, хусусан, қўша шаҳарларимиз, юртимиздан етишиб чиққан фозилуламолар, доғишмандларнинг ҳаёти, асарлари ва илмий меросига қизиқиш ниятда банд.

Дастур доирасида фестивал иштирокчилари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Термиз шаҳарларини ҳам зиёрат қилишади.

«Халқ сўзи».

## ЭЪЛОН

**miningmetals**  
UZBEKISTAN

**ТОҒ-КОН ИШИ, МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МЕТАЛЛГА ИШЛОВ БЕРИШ**

**2019**

**5 – 7**

**ноябрь**

Тошкент  
«Ўзэксспомарказ»

**14 - халқаро КЎРГАЗМАСИ**

www.mining.uz

Кўргазмага фақат соҳа мутахассислари тақлиф этилади!

Ташкилотчи:

ONLINE

РУЙХАТДАН УТИНГ

Gavrova.com.ua №13683

Халқ сўзи

Народное слово

---

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 45 962 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташрифта келган қўғамалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайд.

Газетанинг эътибор берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

---

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

---

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Тоширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6